

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 6-oktabr, payshanba

№ 39 (9203)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ: ИМКОНИАТЛАР ВА МУАММОЛАР

Пойтахтимизда “Бир макон, бир йўл: имкониятлар ва муаммолар” мавзuida халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Алфраганус, Туркиянинг Нахмиддин Эрбакан номидаги давлат университетлари, Аҳмад Яссавий номидаги Қозоқ – Турк халқаро университети, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА) билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда Туркия, Македония ва Қозогистоннинг нуфузли олий таълим муассасалари вакиллари иштирок этди.

Қайд этилганидек, мазкур конференцияда бериладиган маълумотлар, тингланадиган маърузалар юртимиз таълим тизими имкониятларини яна бир бор дунёга намойиш этиш ҳамда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Айнан олий таълим тизими ёшларда меҳнат бозори учун зарур бўлган кўникма ва компетенцияларни шакллантиришда, фаол фуқаро бўлиб шакл-

ланишида ва ижтимоийлашувида муҳим ўрин тутди.

Қамров билан бир қаторда таълим сифатини ҳам таъминлаш бугунги кунда долзарб бўлиб турибди. Жаҳон банкининг Инсон капитали индекси тадқиқот натижаларига кўра, амалдаги таълим тизими ёшларга ўз салоҳиятининг ўртача 62 фоизини рўйбга чиқариш имконини бермоқда.

Тадбирда олий таълимнинг асосий вазифаси ёшларни нафақат меҳнат бозорига тайёрлаш, балки ҳаётда ҳар жабҳада муваффақиятга эга бўлиши ва фаол фуқаро сифатида шаклланиши учун зарур кўникмаларни шакллантириш экани таъкидланди.

Конференциянинг мақсади халқаро стандартлар даражасида жаҳон меҳнат бозорига зарур бўлган кадрларни тайёрлаш ва уларнинг халқаро рақобатбардорлигини кучайтиришга қаратилган.

Гулноза БОБОЕВА,
ЎЗА мухбири.



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

ЕРДАН ФЙДАЛАНИШДА ЯНГИ ТАРТИБ ВА МЕЪЁРЛАР БОР

Бугун юртимизда қишлоқ хўжалиги соҳада ҳам ўзига хос ҳуқуқий тизим яратилган. Соҳага оид мавжуд қонунлар юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда бош ҳуқуқий асос бўлмоқда. Турли камчилик ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”га ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Маълумки, озиқ-овқат маҳсулотлари экологик тоза ва унумдор ерларда етиштирилсагина инсон соғлиги учун ижобий таъсир кўрсатади. Мамлакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари авваламбор, маҳаллий халқни тўлиқ таъминлаши, ортиги эса экспортга йўналтирилиши лозим. Давлат эса ислохотчи сифатида бу жараёнга аралашмаслиги, балки тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган субъектларнинг маҳсулотларини етиштиришда

субсидиялар ажратиши, қайта ишлаш, сотиб олиш, экспортга йўналтиришга ёрдам бериши лозим. Бироқ айрим ҳолатларда ер сиеъатига доир амалдаги қонунлар ва ҳуқуқий нормалар айрим шахслар томонидан нотўғри талқин қилинаётганлиги, тўғри қўлланилмаётганлиги сабаб маҳсулот етиштирувчилар, кластерлар, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, кооперативлар ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида ер билан боғлиқ низолар келиб чиқмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

АНОР ФАРҒОНАНИНГ БРЕНДИГА АЙЛАНМОҚДА

Фарғона вилоятида анор боғлари майдони 2018 йилда 861 гектарни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилда 30 фоизга кўпайиб 1 минг 120 гектарга етди. 2022 йилда эса вилоятда анор боғлари 190 тадан, уларнинг умумий майдони 2 минг 500 гектардан ортди. Эътиборлиси, 155 та боғ ва 2 минг 100 гектардан зиёд анорзор майдони Қува туманида жойлашган.

2021 йилда 6 минг 500 тоннага яқин анор 12 та хорижий давлатларга экспорт қилинди. Жорий йилда эса Фарғонада 12 минг тоннадан зиёд анор йиғиштириб олиниши кўзда тутилган бўлиб, айна кунда экспорт жараёнлари авжида. Анор пишиб етилганидан сўнг ўтган қисқа давр мобайнида қиймати 1,4 миллион долларлик 1,5 минг тонна анор экспортга расмийлаштирилди.



Анор асосан Россия, Корея, Монголия, Қирғизистон ва Украинага экспорт қилинмоқда. Корея Республикасига анорлар авиарейс билан, қолган давлатларга эса юк автотранспорт воситаларида экспортга чиқарилмоқда.

Вилоятда анор экспорти билан ҳозирда 70 га яқин тадбиркорлар шуғулланмоқда. Анор етиштириш нафақат Қува туманида, балки Қувасой шаҳри,

Боғдод, Тошлоқ, Қўштепа, Риштон ва Ўзбекистон тумани каби бошқа ҳудудларда ҳам ривожланиб, йиғиб олинаётган ҳосиллар хорижда ўзига хос Фарғона брендига айланмоқда. Энг муҳими, ушбу йўналишда доимий ва мавсумий янги иш ўринлари кўпайиб, аҳоли даромад манбалари яратилмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН 9 ОЙИ ДАВОМИДА 4 МИНГ ДАН ОРТИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ҲОЛАТИ АНИҚЛАНДИ

“Ўзагроинспекция”нинг Самарқанд вилояти бошқармаси ва туманлар бўлиmlари томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида агросаноат тизимида 9 минг 140 та назорат тадбири ўтказилиб, 4 минг 236 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланди.

Бу даврда 4878 та огоҳлантириш, 2073 та ёзма кўрсатма, 186 та тақдимнома киритилди. Ваколат доирасида 1928 та маъмурий қарор кўриб чиқилиб, тегишли тартибда таъсир чоралари қўлланилди. Бундан ташқари, қонуний қарор қабул қилиш учун суд органларига 26 та, прокуратура органларига 16 та ҳамда бошқа органларга 1 та материаллар юборилди. Пахта соҳасида 20 та ҳамда сув соҳасида 1 та тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари тикланиб, амалий ёрдам кўрсатилди. Қишлоқ хўжалиги уруғлари етиштирилиши ва таъминотини назорат қилиш соҳасида 1 минг 237 та мониторинг тадбири ўтказилган. Соҳадаги қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига 826 та огоҳлантириш, 417 та ёзма кўрсатма ҳамда 30 та тақдимнома киритилди. Ваколат доирасида 191 та маъмурий қарорлар кўриб чиқилиб, тегишли тартибда таъсир чоралари қўлланилди. Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан қонуний қарор қабул қилиш учун суд органларига 4 та, прокуратура органларига 1 та материал юборилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

ТАҚРОРИЙ ЭКИН ЕРГА ҲАМ, ДЕҲҚОНГА ҲАМ ФЙДА

Юртимизнинг бетакорор қулай табиий-иқлим шароити еримиздан йил давомида бир неча маротаба юқори ҳосил етиштириш имконини беради.

Аҳолининг арзон ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, полиз экинлари ва сабзавотларга бўлган талабини қондириш мақсадида жойларда етиштирилаётган тақрорий экинларнинг аҳамияти бекиёсдир.

Қашқадарё вилояти Китоб туманида ҳам бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилда туман бўйича жами 1 минг 587 гектар майдонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилмоқда. Шундан 835 гектар майдонда мош, 51 гектар майдонда сабзи, 29 гектар майдонда қарам, 43 гектар майдонда кунгабоқар, 39 гектар майдонда тарих, 30 гектар майдонда брокколи ҳамда бошқа тақрорий экинлар экиб парваришланмоқда.

Кўчат ва уруғлар ҳамда улар учун зарур минерал ўғитлар Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги кўмагида вилоятдаги “Anzur natural food” хусусий корхонаси томонидан натура шаклида етказиб берилган. Етиштириш жараёнлари туман қишлоқ хўжалиги бўлими ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан доимий назорат қилиб борилмоқда.

Масалан, туманининг Навбахор ҳудудида фаолият юритаётган “Асилбек Абдуназар ўғли” фермер хўжалиги раҳбари Абдуназар Омонов ҳам ғалладан бўшаган майдонга брокколи карами экиб, парваришламоқда.

– Жорий йилда ғалладан бўшаган майдонлардан умумий фойдаланиш мақсадида 2 гектар ерга брокколи карами, 2 гектарга мош ва шунча ерга тарих эқдик, – дейди фермер. – Брокколи карами таъминотчи корхоналар билан ҳамкорликда етиштирилмоқда. 10-15 кунда тайёр бўлиб қолади. Ҳосилни теришни бошлаймиз. Энг муҳими, харидор ҳам аниқ.

Ўлмас БАРОТОВ,
ЎЗА мухбири.



“КЕКСАЛАР ҲАФТАЛИГИ”

Президентимиз ташаббуси билан юртимизда кекса авлод вакиллари хўра томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаёт сифати ва узоқ умр кўриши даражасини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, оилалар ва маҳаллаларда тинчлик осойишталикни таъминлаш ҳамда ёш авлодни халқимизнинг кўп асрлик анъналарини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашда кексаларнинг ролин оширишга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги қарори билан ҳар йили октябрь ойининг биринчи ҳафтаси “Кексалар ҳафталиги” этиб белгиланганлиги ҳам шулар жумласидандир.



ПАХТА ТЕРИМИНИ МАШИНАЛАШГАН ОТРЯД УСУЛИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ

АФЗАЛЛИКЛАРИ НИМАДА?

ШУ КУНЛАРДА РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЕТИШТИРИЛГАН ПАХТА ҲОСИЛИНИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШ ИШЛАРИ АВЖИДА.



Унинг Мирзаҷул ерларини ўзлаштириб, боғ-роғ қилишдаги хизматларини ўша заминнинг кекса авлоди ҳали ҳам беҳад миннатдорчилик билан эслашди

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Асосий мақсадимиз: АҲОЛИНИНГ ТОМОРҚАДАН ФЙДАЛАНИШ ИМКОНЯТЛАРИНИ ЯНАДА ОШИРИШ

Икки мингинчи йили 20 гектар ер олиб олиб, ғаллачилик ва чорвачиликка йўналтирилган "Азим-ота" фермер хўжалигини ташкил этдик. Кейинчалик имтиёзлар ва яратилган имкониятлардан фойдаланиб, фермер хўжалигимизни кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантирдик.

Уйлаган режаларимиз амалга ошириб, сўнгра "Нурота томорқа хизмати" МЧЖни ташкил этдик. Кейин эса Республикада биринчилардан бўлиб "Томорқа хизмати кластери" МЧЖни ташкил қилдик. Кластер лойиҳамиз 12 та йўналишда аҳоли хонадонларига хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, қиймати 5,9 млрд. сўмни ташкил қилди. Шундан 1,8 млрд. сўми ўз маблағим ҳисобидан амалга оширилди. 2020 йилда ушбу лойиҳа учун Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 4,1 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратиб берилди. Берилган кредитдан мақсадли фойдаланиш учун аҳоли томорқаларини ўрганиб, сув таъминоти оғирлигини инобатга олиб Хитойдан бургўлаш техникаси сотиб ол-

дик. 2020-2022 йиллар давомида 95 та катта ва кичик ҳажмдаги артезиан қудуқлари қазилиб, 1850 та хонадоннинг 190 гектар майдонини сув билан таъминлаб, экинлар экилишига эришдик. Тўлиқ сув билан таъминланган хонадон эгалари томорқасида етиштирган маҳсулотларидан даромад қуриб, эвазига фарзандларни ўқитиб, уй жой учун керакли жиҳозлар олишга ҳаттоки ортган қисмига автомашина сотиб олишга сарфлаб келмоқда. Бунда бизнинг корхонамиз томонидан 1500 дан ортиқ хонадонга шартнома асосида сифатли экин уруғлари, кўчатлар етказиб берилди. Етказиб берилган уруғликлардан етиштирилган маҳсулотларни аҳолидан қайта сотиб олиб, сақлаш учун 300 тонналик сизимга эга замонавий



музлаткич-юк сақлаш омборхонаси қурилиб, ишга туширилди. Бундан ташқари, аҳоли томорқаларидан қабул қилинган маҳсулотларни қайта ишлаш ва қуритишни йўлга қўйиш мақсадида Хитойдан 8 хил турдаги мева-сабзавотларни қуритиб, қадоқловчи ускуна олиб келдик. Утган йилнинг декабрь ойида келтириб ўрнатилган ушбу технология бугунги кундан аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, тумандаги талабгор фуқароларнинг 121 нафа-

рига ихчам иссиқхоналар қуриб бердик. Бугунги кунда улар ишга туширилиб, экинлар экилаяпти. Аҳолининг хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, инкубация орқали очирилган жўжалар тарқатишни ҳам йўлга қўйганмиз. Ҳозирги кунда кластер корхонамизда паррандачилик учун ем ишлаб чиқариш, сунъий қочирин, инкубатор, ихчам иссиқхоналар қуриш цехи, минерал ўғитлар етказиб бериш дўкони, сут қабул қилиш пункти, техника парки ҳамда

томорқа ер эгаларига тажриба ўргатиш ўқув маркази ташкил этилган. Туманимизда жорий йилда янгидан ташкил этилган 105 та деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ва томорқасидан ўртача 3 марта-гача ҳосил олиб келаётган 1830 нафар намунали томорқачилар ўқитилиб, амалиётга жалб этилди.

Ҳозирда ўнта доимий ва элликдан ортиқ мавсумий иш ўрни яратилган. Узим ҳам Нурота тумани шариотдан келиб чиқиб, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда шу йил 20 гектар ер майдонида 2 донга ўз маблағимдан артезиан қудуғи қазиб, узум кўчатлари экиб, боғ ташкил қилдим. Келгусида аҳолимизнинг томорқадан янада самарали фойдаланиши учун барча имкониятларни ишга солишим. "Бир маҳалла – бир маҳсулот", "Бир контур – бир маҳсулот" тамойили асосида ўртача 3 марта ҳосил олишни йўлга қўйиб, одамларимизнинг даромади ошишига ўз ҳиссамизни қўшамиз. **Илҳом САМИЕВ,** "Нурота томорқа кластери" МЧЖ раҳбари.



ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН 9 ОЙИ ДАВОМИДА 4 МИНГ ДАН ОРТИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ҚОЛАТИ АНИҚЛАНДИ

(Боши 1-саҳифада) Пахта хомашёси, дон, уруғлар ва уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлардан фойдаланишни назорат қилиш соҳасида эса 739 та мониторинг тадбири ўтказилган. Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича 572 та оғохлантириш, 254 та ёзма кўрсатма ҳамда 15 та тақдимнома киритилди. Ваколат доирасида 176 та маъмурий қарор кўриб чиқилиб, тегишли тартибда таъсир чоралари қўлланилган. Бундан ташқари, ушбу соҳада қонуний қарор қабул қилиш учун прокуратура органларига 4 та материаллар юборилган. Шунингдек, пахта соасида 20 та тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқлари тикланиб, амалий ёрдам кўрсатилди. Қишлоқ хўжалигида агротехника тадбирлар ўтказилиши назорат қилиш соҳасида эса 1405 та мониторинг тадбири ўтказилди, 1077 та оғохлантириш, 295 та ёзма кўрсатма ҳамда 94 та тақдимнома киритилди, 282 та маъмурий қарорлар кўриб чиқилиб, тегишли тартибда таъсир чоралари қўлланилди. Агротехника тадбирларини бузганлик учун қонуний қарор қабул қилиш юзасидан суд органларига 2 та материал юборилди. Техника ҳолатини назорат қилиш соҳасида 1205 та мониторинг тадбирлари ўтказилди ва 956 та оғохлантириш, 160 та ёзма кўрсатма ҳамда 3 та тақдимнома киритилди, 688 та маъмурий қарор кўриб чиқилиб, тегишли тартибда таъсир чоралари қўлланилди. Чорвачиликда наслчилик ишларини назорат қилиш соҳасида ҳам мингдан ортиқ мониторинг тадбирлари ўтказилди. Ушбу соҳада 577 та оғохлантириш, 502 та ёзма кўрсатма ҳамда 14 та тақдимнома киритилди, 133 та маъмурий қарор кўриб чиқилди ва тегишли тартибда таъсир чоралари қўлланилди. Чорвачиликда наслчилик иши талабларини бузганлик учун қонуний қарор қабул қилиш юзасидан суд органларига 4 та материал юборилди. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурсларидан фойдаланишни назорат қилиш соҳасида жорий йилнинг 9 ойи давомида жами 1301 та мониторинг тадбирлари ўтказилган. Ушбу соҳада 839 та оғохлантириш, 403 та ёзма кўрсатма ҳамда 30 та тақдимнома киритилган. Ваколат доирасида 425 та маъмурий қарорлар кўриб чиқилиб, тегишли тартибда таъсир чоралари қўлланилган. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун қонуний қарор қабул қилиш юзасидан суд органларига 16 та, прокуратура органларига 11 та ҳамда бошқа органларга 1 та материаллар юборилган. Шунингдек, сув соҳасида 1 та тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқлари тикланиб, амалий ёрдам кўрсатилган. Меъёрий ҳужжатлар ижросини назорат қилиш, метрология ва сертификатлаш соҳасида 66 та мониторинг тадбирлари ўтказилган. Ушбу соҳада 31 та оғохлантириш ҳамда 42 та ёзма кўрсатма киритилган. Ваколат доирасида 33 та маъмурий қарорлар кўриб чиқилиб, тегишли тартибда таъсир чоралари қўлланилган. Ўтказилаётган назорат тадбирлари давомида қишлоқ хўжалиги корхоналари ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, фермер хўжаликлари, кластерлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган ўзаро низоларни жойида ҳал этиш юзасидан АРБИТРАЖ ишчи гуруҳлари ташкил этилган. Бир қатор қишлоқ хўжалигига алоқадор ташкилотлар билан ҳамкорликда пахта хомашёсини топишувчи ва қабул қилувчи хўжаликлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган низоли масалаларни жойида ҳал этиш бўйича туманларда "Арбитраж" гуруҳлари ташкил қилинди. Ҳозирги кунга қадар арбитраж гуруҳи томонидан 22 та ҳолатда сифат кўрсаткичлари пахта хомашёсининг ифлослик ва намлик кўрсаткичлари бўйича низоли ҳолатлар кайд этилиб, 20 та ҳолатда фермер хўжаликлари, 2 та ҳолатда пахта-тўқимачилик кластерлари фойдасига ҳал бўлди. **Даврон АЧИЛОВ,** "Ўзагроинспекция"нинг Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи.

ЕРДАН ФЙДАЛАНИШДА ЯНГИ ТАРТИБ ВА МЕЪЁРЛАР БОР

(Боши 1-саҳифада) Ўзбекистон Республикасининг "Ер кодекси"нинг 1-моддасида: "Ер умумийлик бўлиқдир. Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиши зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади", дея қатъий белгиланган. Лекин қишлоқ хўжалиги ерларини ижарага бериш ҳуқуқига эга давлат ташкилотлари ҳам, ерни ижарага олаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари томонидан ҳам мазкур қонунга амал қилинмаслиги оқибатида низолар келиб чиқмоқда. Мазкур кодексининг 36-моддасида ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини бекор қилиш асослари аниқ қўрсатилган. Шартнома муддати тугагандан сўнгра, ижарага олувчи томондан ихтиёрий равишда ер участкаси топширилганда, ижарага олувчи тугатилганда, ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда,

ердан самарасиз ёки бошқа мақсадларда фойдаланилганда, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланганда ер участкасини ижарага олиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилади. Тупроқ унумдорлиги пасайиши, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланиши, қолаверса, экологик вазиятнинг ёмонлашуви олиб келадиган усуллар воситасида ердан фойдаланилганда, ер солиғи мунтазам тўланмаса ва бошқа шу каби ҳолатларда ҳам ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи бекор қилинади. Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи шу билангина чекланмайди. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган "Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғриси"даги

Низомда "Фермер хўжалиги томонидан шартнома интизоми бузилишининг ҳамда хўжалик фаолияти самарасиз юригилишининг аниқланган ҳолатлари асосида фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва тугатиш" тартиби кўрсатиб ўтилган. Ҳужжатга кўра, маҳаллий давлат ҳокимликлари фермер хўжаликларини билан тузилган ижарага бериш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризасини илгаридек дарров иқтисодий судларга бермайди. Бунгача Низомда белгиланган барча талабларга риоя этилиши зарур. Яъни, халқ депутатлар туман Кенгаши мажлисида мазкур масала муҳофамага қўйилиб, мажлисда фермер хўжалиги раҳбарининг айнан иштироки таъминланади. Халқ депутатлар туман Кенгаши қарори чиқарилиб, шундан сўнгра комиссиянинг ҳулосаси, Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳулосаси, далолатнома ва

бошқа зарур ҳужжатлар ҳамда материаллар илова қилинган ҳолда ер участкасини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш тўғрисида фермер хўжалиги раҳбарига таклиф юборилиши, таклиф буюртма хат асосида жўнатилиши ёки фермер хўжалиги раҳбарига шахсан топширилиши зарур. Агарда фермер хўжалиги раҳбари таклифни олишдан бўйин товласа, бу ҳақда ҳолислар иштирокида далолатнома тузилиши, таклиф олинган ёки рад этилган санадан бошлаб, авваломбор, ижара шартномасида белгиланган муддат (бу муддат аксарият шартномаларда 3 ой этиб белгиланган) ёхуд Фуқаролик кодексининг 384-моддасида белгиланган муддат, яъни 30 кунлик муддатда судга даъво аризаси билан мурожаат этилиши мумкин. Халқимиз "ерни боқсанг, ер сени боқад", деб таъкидлайди. Албатта, ердан унумли ва оқилона фойдалансанг, табиат ҳам, инсон ҳам, давлат ҳам фақат фойда кўради. **Анвар СУВОНҚУЛОВ,** Оқолтин туманлараро иқтисодий суди раиси.

Яхшилардан қолур мудом яхши ном

"МИРЗАҶҮЛНИНГ АКАДЕМИК-АГРОНОМИ"

Таниқли чўлқувар, ўтмишда Мирзаҷул (ҳозир Гулистон) тумани, Бухоро, Наманган вилоятлари раҳбари, кейинчалик, умрининг охиригача "Ўртаосиёирсовхозқурилиш" Бош бошқармаси қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи бўлган Абдулҳай Тоировнинг таваллуд топганига шу йил 110 йил бўлди.

Абдулҳай ака жуда бағрикенг, одамларга яхшилик қилиб чарчамайдиган инсон эди. Наманганда ишлаган даврларида бир воқеа юз берган. Бир куни ишга келса, обком биноси олдида анчагина одам тўпланиб турибди. Нима гаплигини суриштирса, ОБХСС деган ташкилот вакиллари бир қанча савдо дўконларида текшириш ўтказиб, камчиликларини топибди, улар "растрата"га йўл қўйгани учун жавобгарликка тортилди деган бўлибди. Шунга кўпларнинг оталари, оналари, қайнаталари келган экан. Албатта ОБХСС аралашган ишнинг замирида доимо таъмагарлик, порахўрлик, бошқа ёмон иллатлар бўларди. Шунинг учун зудлик билан ижрокўми раислари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари ва савдо ташкилотлари раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказилади. "Бу ерда оладиганлар ҳам ўтирибди, берадиганлар ҳам. Агар кимдир беришга тайёрлаб қўйгани бўлса ҳеч кимга бермасин, олишга тайёрлар бўлса олишдан ўзини тийсин. Ҳаммангиз тегишли чора кўринг ва ишларингизни тартибга келтиринг. Мен уч ойдан кейин Фарғона ва Андижондан тегишли одамларни чақириб, савдо текшириш ўтказилади ва савдо

ишлари яхшиланади. Ҳеч бир инсон қамалмайди ва Наманган Республикасида бир неча йил "Ўзбекбирлашув" байроғини ўз қўлида ушлаб туради. Абдулҳай акани республикада кўпроқ моҳир деҳқон, чорак асп Узебекистонга раҳбар бўлган Шароф Рашидовнинг таъбири билан айтганда пахтачилик устаси – пахтачилик халқ академиги" деб билишар эди. Абдулҳай Тоиров ҳақида ўша пайтда Матбуот бўйича республика қўмитаси раиси, Ўзбекистон журналистлари уюшмаси раҳбари бўлган, тарих фанлари номзоди, доцент Собир Курбонов ва камини "Ўзимизнинг Абдулҳай ака" номли эсдаликлар тўпламини тайёрладик. Китоб кўлэмзаси билан танишиб чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов кириш сўзи ёзиб берадиган бўлди. Абдулла ака кириш сўзи ёзиш жараёнида биз билан суҳбатлашар экан, ёшлик пайтларида Мирзаҷулда бўлган вақтлар, чўлқуварлар билан кеттиринг, чўлқуварлар билан кеттиринг. Мен уч ойдан кейин Фарғона ва Андижондан тегишли одамларни чақириб, савдо текшириш ўтказилади ва савдо



Суратда: Давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов В.Хайдуров, А.Тоиров ва Х.Латилов билан Сирдарё вилояти пахта далаларида (1980 й)

200 минг кишилик жамоалари 700 минг гектар янги суғориладиган ер майдонини қишлоқ хўжалик айланмасига киритдилар, 6 млн. квадрат метр уй-жой қурилди, 162та янги давлат хўжаликлари ва хўжалик ҳисобидаги участкалар ташкил этилди. Ўзлаштирилган массивларда ўн минглаб километр узунликда электр узатиш линиялари, муҳандислик иншоотлари, автомобиль йўллари, юзлаб маданий-маиший объектлар қурилиб, ишга туширилди. Атоқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистонга чорак асп раҳбарлик қилган Шароф Рашидовнинг ташаббуси билан янги ўзлаштирилган ерларда аҳолиси ўша вақтда бир миллиондан ортиқ бўлган икки-уч – Сирдарё ва Жиззах вилоятлари, 17 та маъмурий туманлар тузилди, 300 мингтага яқин янги иш ўринлари яратилди. Ташкил этилган агросаноат мажмуалари ҳам 800 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси, 600 минг тонна дон, шу жумладан, шол, 160 минг тонна сабзавот, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб берар эди. Баландпарвоз гаплардан йироқ бўлган ҳолда шуни айтиш лозимки, чўллари ўзлаштириш янги ҳудудларда шаҳар ва қўрғончалар, саноят, қурилиш, йўллар, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, ижтимоий соҳа ва маданиятнинг жадал ривожланишига олиб келди. Юз минглаб кишилар учун меҳнат ва чинкиш, маънавий юксалиш, биродарлик, жамоавийлик ва ватанпарварлик мактаби бўлди. Жиззах вилоятининг раҳба-

ри бўлган Тўхтамиш Боймиров Абдулҳай акани шундай хотирлаган эди: Мирзаҷул тарихида қахрамонлар кўп, ҳар бирларининг ўз нуноси бўлинлари бор. Лекин мирзаҷулликларнинг ҳамма томондан бирдай тан олинган улуг устозлари бор эди. Улардан бири Абдулҳай ака Тоиров Мирзаҷулнинг академик-агрономи бўлиб тарихга кирди. Бу фахрли номни унга халқ берди, унинг улуг хизматларини тан олган сафдошлари, замондошлари берди. Назаримда бу шарафли ном бу ажойиб инсоннинг ярим асприк чўлқуварлиги давомида олган барча мукофот ва унвонларидан баланд ва мўътабарроқдир. Ўзбекистон мустақил бўлганидан кейин Абдулҳай Тоировнинг Ватан равнақи йўлидаги фидокорона хизматлари учун Сирдарё вилояти Оқ олтин туманида унинг буюсти ўрнатилди. Ватанимиз мустақиллигини кўриш Абдулҳай акага насиб этмади. Лекин у кишининг ўзлаб шоғирдлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидойиларча меҳнат қилиб, Янги Ўзбекистонни яратиш йўлида тинмай самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу йил Абдулҳай Тоировнинг таваллуд топганига 110 йил тўлди. Унинг садақка жория сифатида Мирзаҷул ерларини ўзлаштириб, боғ-роғ қилишдаги хизматларини ўша заминнинг кекса авлоди ҳали ҳам беҳад миннатдорчилик билан эслашди, Абдулҳай аканинг руҳи покларига дуолар қилишади. **Носир ТОИРОВ,** Ўзбекистон журналистлари уюшмаси аъзоси.

ПҲТАХТИМИЗДА ХОРИЖИЙ КАПИТАЛ ИШТИРОКИДА ҚАРИЙБ 1100 ТА КОРХОНА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси маълумотига кўра, рўйхатдан ўтган хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра 9 мингтадан ортиб, 9 мингтадан 8,7 мингтаси ёки 97,2 фоиз фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,1 мингтага ёки 12,2 фоизга кўп демакдир. Айтиш лозимки, жорий йилнинг январ-июл ойларида 1 097 та хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар ташкил этилиб, уларнинг асосий қисми Миробод, Яккасарой, Мирзо Улуғбек ҳамда Юнусобод туманларида фаолият кўрсатмоқда. **Даврон ТҲИРОВ,** Юнусобод тумани статистика бўлими бошлиғи.

Отряднинг ишлаш ритми пахта териш звеноларининг уюшқоқлик билан фаолият кўрсатишига боғлиқ

ПАХТА ТЕРИМИНИ МАШИНАЛАШГАН ОТРЯД УСУЛИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ НИМАДА?

(Боши 1-саҳифада)

“Жон Дир” компанияси ва “Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси” заводининг замонавий икки, тўрт ва олти қаторли горизонтал ва вертикал шпинделли пахта териш машиналарини дала шароитига қараб тўғри ва сифатли ростлаган, юқори малакали механик-ҳайдовчиларни ишга жалб қилган Қўрғонтепа, Мирзачўл, Гулистон, Балиқчи, Нишон, Боёвут ва Зафаробод туманларида битта машинанинг бир кунлик иш унуми 35-55 тоннани, Навбахор, Наманган, Пахтачи, Боёвут, Чиноз ва Хонқа туманларида эса 25-30 тоннани ташкил этмоқда. Машиналарнинг иш унумини бунданда оширишнинг осон йўли бор. Бу йигим-теримни отряд усулида ташкил этишдир. Ҳар бир отряд таркиби далалари машина теримига тайёрлаш, пахта териш, пахта ташиш, техник хизмат кўрсатиш ва маданий-маиший хизмат звеноларидан иборат бўлиши лозим. Бу звенолар биргаллик даладаги пахта ҳосилини қисқа муддатларда энг кам сарф-харажатлар билан ва сифатли йиғиб олишга хизмат қилади. Йиғиш-ташиш отрядига машина теримини ташкил этишда катта амалий тажрибага эга бўлган муҳандис ёки агроном раҳбарлик қилади. Ҳар бир звенонинг муайян вазифаси бор. Минг гектар пахта майдонида эга бўлган 13-15 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатувчи ММТПда далалари машина теримига тайёрлаш звеноси ташкил этиш мақсада мувофиқдир. Бу звенонинг вазифасига пахта майдонларини теримга сифатли тайёрлаш, йўл, ўқариқ ва бешмакларни текислаш, бурилиш майдонларини очиш кирди. Звено ихтиёрида грейдерлар ва бульдозерлар осилган чопиқ трактори ва ер текислагичлар бўлади. Звено бошлиғи (одатда, механик ёки тажрибали механизатор) бажарилган ишни далолатнома бўйича отряд бошлиғига тўпширилади. Унда иш сифати, ҳамми ва бажарилиш муддати кўрсатилган бўлади. Звено бошлиғи машиналар учун ажратилган пахта майдонларининг куйидаги талабларга жавоб беришини алоҳида назоратга олиши керак: ғўза қатор оралиғи кенглигининг белгиланганидан (60, 76, 90 см.) четланиши кўпи билан ± 3 см.; пушталарнинг чўққиларида 5 см. дан катта йирик кесаклар бўлмаслиги лозим; ғўза туллари баландлиги 80-100 см. атрофида; терим олдида ғўза баргларининг тўқилиш даражаси энг камиди 85-90 фоиз; ғўза тулларидаги кўсақларнинг очилганлик даражаси 80-90 фоиз; даланинг боши ва охирида машинанинг қайрилиши учун тайёрланган текис майдончининг кенлиги, энг камиди метр; ҳамма ўқариқлар ва бешмаклар сифатли текисланган бўлиши шарт; дала контурларининг шакли тўғри тўртбурчак (конверт) кўринишига келтирилган (машинанинг иш унуми ва курсаткичлари ортади); алоҳида контурларнинг майдони машинанинг бир кунлик иш унуми (4-6 гектар)га тенг, узунлиги энг камиди 500 метр (машина кун давомида бир даланинг ўзиде ишлайди, қайрилиш ва бурилишларга кўп вақт сарфланмайди); далалар бегона ўтлар, айниқса, ғўзага ўралиб ўсувчи ўсимликлардан (масалан, печакдан) тоза (шпинделлар тез қиланмайди, уларни тозалаш



осонлашди); кўчат сони гектарига 100-120 минг тул атрофида (далада режадаги ҳосил тулланади, машинада кўп пахта терилади); ғўзалар бир текис ривожланган, пахта ҳосилдорлиги гектарига энг камиди 25-30 центнер атрофида (кам ҳосилли даладарда машинанинг агротехник кўрсаткичлари ва иш унуми пасайиб кетади). Машина юрадиган йўллар, далалардаги ўқариқ ва бешмаклар терим олдида сифатли текисланиши зарур. Акс ҳолда, ўқир-чўқирлар машинани кучли тебратиш ва силкитиб, қисмларни синдириб юборади. “Жон Дир” ва МХ-1,8 пахта териш машинаси учун бурилиш майдончасининг эни камиди 8 метр бўлиши керак. Майдонча бундан тор бўлса даланинг боши ва охирида қайрилишда ғўза туллари эзиб кетади, қатор оралиғига меъёридаги ишчи тезлиги билан кира олмайдди. Натижада пахта кам терилади ва кўп тўқилади. Минг гектар пахта майдони учун бир отрядда 2 та пахта териш звеноси ташкил қилиниб, уларнинг вазифаси ҳосилни исроф қилмасдан, тез йиғиб олишдан иборатдир. Бутун отряднинг ишлаш ритми пахта териш звеноларининг уюшқоқлик билан фаолият кўрсатишига боғлиқдир. Бир звенога 5 та “Жон Дир” ёки 10 та МХ-1,8 пахта териш машинаси бириктириб қўйилади. Иш икки навбатда ташкил қилинганда ҳар бир терим агрегатиде 2 нафар механик-ҳайдовчи ишлайди.

Пахта териш машиналаридан унумли фойдаланиш учун унинг ҳар бирига бир кунда териб улгурадиган пахта майдони ажратилади. Звено бошлиғи пахта териш машинасини ғўзанинг ҳолати ва ҳосилдорлигига қараб ростлашни, терим сифатини назорат қилишни, механик-ҳайдовчиларга йўл-йўриқ кўрсатишни яхши билиши ва терим техникасидан фойдаланишда юқори самарадорликни таъминлаши лозим. Машиналарнинг юқори унум билан ишлаши ва пахтани ерга меъёридан ортиқ тўқиб юбормаслиги учун уларнинг ҳар бири терим олдида ва терим даврида (дала ва ғўзанинг ҳолатига қараб) куйидаги тартибларда ростланиши лозим: жуфтликда ишловчи шпинделли барабанлар шпинделларининг ўзаро шахмат тартибиде жойлашувидан четланиши, кўпи билан ±6 мм (кўсақларга тўқик ишлов берилади, пахта паллалари ва якка чигитлар қолиб кетмайди); жуфтликда ишловчи шпинделли барабанлар орасидеги иш тирқиши қийматларининг диапазонлари:

олдинги жуфтлик учун 26-40 мм; орқадаги кейинги жуфтлик учун 22-36 мм (пахта тўқик терилади, чаноқларда қолимайди ва ерга тўқилмайди); аппаратнинг олдинги ва орқадаги жуфт барабанлари орасидеги иш тирқишлари кенгликларининг тафовути, кўпи билан 4 мм; ажраткич чўткалари қилларининг шпинделлар тишларига максимал ботиб туриши 2 мм (қиллар едилмайди, узоққа чидайди); ажраткич чўткалари қиллари билан шпинделлар тишлари орасидеги максимал тирқиш 1,5 мм (шпинделлар сирти чирклардан яхши тозаланади); ёнма-ён жойлашган ажраткичлар орасига ўрнатилган трапециясимон тўсиқнинг қирраси билан олдинги ажраткич чўткаларининг қиллари орасидеги тирқиш кенлиги 5-7 мм (чўткалар пахта толаларидан тўла тозаланади); аппарат эшикчаси билан олдинги ажраткич чўткаларининг қиллари орасидеги тирқиш кенлиги 5-7 мм (қабул камерасига уза тилаётган пахта ерга тўқилиб кетмайди); пневмосистема вентиляторлари юритмаси тасмаларининг таранглиги меъёрида.

Пайкалардаги қаторлар ёндош қатор оралиғидан бошлаб саналади; қаторларга кириш олдида аппарат иш тирқишининг кенлиги ростланади. У пахта ҳосилдорлиги ва ғўзаларнинг ривожланганлик даражасига қараб 22-40 мм атрофида ўрнатилади; аппаратлар ёндош қаторларга кирмаслиги керак, чунки бундай қатор оралиғининг кенлиги турлича бўлгани туфайли ғўза туллари иш тирқишига эгилиб киради, пахта ерга кўп тўқилади ва аппаратлар ғўзаларни шикастлайди; қаторларга кириш олдида аппарат ва вентиляторлар ишга туширилади ва тракторнинг зарур тезлик узатмаси қўшилади. Двигател энг катта тезликда ишлашга қўйилади; аппарат иш ҳолатига туширилади. Қайрилиш жойларида охириги ғўза туллари бошқарилувчи филдираклар билан тенглашгандан кейингина машинани оҳиста ва равон қайриши керак; даланинг бошида ғўза туллари аппарат иш тирқишига тўпа-тўғри кириши лозим. Пайкалардан чиқаётганда охириги ғўза тули иш тирқишидан ўтгандан кейингина машина тезлигини камайтириш мумкин; терим аппаратининг ерга нисбатан баландлиги ғўза тулидаги пасти кўсақларнинг пахтаси тўла терилдиган, барабанларнинг пасти дисклари эса пуштага тегмайдиган қилиб ўрнатилади. Механик-ҳайдовчи аппарат рамкаси ту-

проқни сидирмаётганини ва катта кесаклар иш тирқиши олдини тўсмаётганини доимо кузатиб бориши керак; қабул камералари тиклиб қолганда машина, аппарат ва вентиляторни дарҳол тўхташиб, тикилган нарсаларни олиб ташлаши, носозликларни бартараф этиши лозим. Қабул камераси тиклиб қолганда иш давом эттирилса, пахта ерга кўп тўқилади, шпинделларга пахта ўралашади ва ажраткичлар синиб кетади; шпинделлар сатҳи – шира босмаган ва пахта толалари билан ўралмаган – тоза бўлиши лозим. Шпинделлар ифлосланганда уларни босим остидеги сув билан ювиб – тозалаш шарт. Акс ҳолда, машинанинг агротехник кўрсаткичлари 3-4 фоизга пасайиб кетади; бункер пахта билан тўлганда дарҳол бўшаши лозим. Бункери қўрилган машинани юргизиш қатъиян ман этилади; қаторлардан чиқишда, пахтани бўшашида, бир даладан бошқа далага ўтишда ва йўлда юрганда аппаратлар транспорт ҳолатга қўтарилади. Машинани узок масофага ҳайдаб боришда терим аппаратларини транспорт ҳолатга қўтариш ва уларни қимирламайдиган қилиб қотириш керак, шунда аппаратлар ўз-ўзидан ерга тушиб кетмайди.

Ҳар бир отрядда 2 та пахта ташиш звеноси ташкил этилиб, уларнинг вазифаси пахтани машина бункерларидан тайёрлов пунктга тўтовсиз ташиб туришдан иборат бўлади. Битта звено 4-6 та тўрт филдиракли трактор ва пахта ташийдиган 8-12 та тиркамалардан ташкил топган. Ишни икки навбатда ташкил қилиш мақсадида звенога 8-12 нафар механизатор ва 4-6 нафар ёрдамчи ишчи бириктириб қўйилади.

Отряд таркибидеги ҳамма машина ва агрегатлардан кун давомида юқори унум билан фойдаланиш кўп жиҳатдан уларга техник хизмат кўрсатадиган звенонинг аниқ ва сифатли ишлашига боғлиқ бўлади. Техник хизмат кўрсатувчи звено таркиби мастер-созловчи, икки нафар ғайдовчи-чилангар, тракторчи, электр пайвандчи ва ёнлиги қуёвчидан иборат бўлади. Звенога кўча устасхона, техник хизмат кўрсатиш, ёнлиги қуйиш, пайвандлаш агрегати ҳамда шпинделларни ювиш қурилмаси бириктирилади.

